

Эпик турнинг энг кичик жанри бўлган хикоя бадиий тафаккур ибтидосидан бери талай шаклий-мазмуний ўзгаришларга учраганига карамасдан, ўзининг асл кифасини, жозибаси ва фаоллигини йўқотмай келаётган бадиий ходисалар сирасига киради. Айни нуктаи назардан XX аср жахон хикояси бир томондан тамомила янги поэтик шакл, янги этик мохият сифатида намоён бўлса, бошқа томондан жахон адабиётининг барча жанрларига хос хусусиятларни синкретик ифода этган кўламдор жанр хисобланади. Бу каби бир кадар нотаниш, гипотезанамо хулоса жахон хикояси деб аталмиш воқеликни бирбутун, лоакал маълум бир даврга оид намуналарини кузатганимизда янада тиниклашади.

Тарихий ва назарий поэтикага доир тадқиқотларда, монография, терминологик лугатлар, дарслик ҳамда ўқув кўлланмаларда хикоя жанри турли ракурсларда ўрганиб, илмий-адабий жихатдан талкин этиб келинади. Шунга кўра ушбу жанрга хос поэтик канонлар (белги ва мезонлар) мукамал даражада ишлаб чиқилган. Айтиш мумкинки, бугунги мактаб ўқувчиси ҳам хикоя жанрининг муайян белгиларидан хабардор. Лекин, шунга карамасдан, назарий адабиётшунослик, ҳеч қачон, бу жанр хусусида сўнги хулосани айта олмайдики, бу ҳам хикоянинг доимий ҳаракатдаги, мураккаб эстетик ходиса эканидан далолатдир.

Менинг тасаввуримдаги хикоя наинки давр, ижтимоий муҳит, миллат, адабий доира, муаллифларнинг алмашинуви билан, балки муайян ижодкорда ёш, руҳият, кайфиятнинг ўзгариши билан ҳам тамомила бошқача шаклий-мазмуний мохият касб этиши мумкин. Шу маънода биз хикоя жанри ҳақида сўз юритаётганда унинг оригиналлиги остида ўтмиш, тарихийлиги остида келажак намоён бўлиши мумкинлигини назарда тутишимиз лозим. Хикоянинг ибтидо кўлами, умри башариятнинг ер юзини макон тутиши ва унда кечираётган улкан тарихи билан тенг, десак хато бўлмайди. Воқеан, илк хикоялар, биз сўз юритаётган бадиий жихатдан мукамал жанр талабларига мос келмаса ҳам, инсониятнинг илк аждодлари руҳиятига хос ходиса эди ва бугунги цивилизациялашган одам руҳиятида ҳам бу борада катта фарқ, ўзгачалак кузатилмайди. Инсон бор жойда хикояга талаб ҳам, эҳтиёж ҳам бор. Хатто бу фикрни бир оз ривожлантириб, ҳар бир инсон ҳаётининг ўзи улкан хикоялардан иборат десак ҳам янглишмаймиз.

Одам ва илоҳиёт, одам ва одам, одам ва табиат, одам ва ўтмиш, одам ва келажак аро маънавий, маърифий, психологик, маиший, ижтимоий, иқтисодий ва ҳ.к. муносабатлар умуман бадиий асарнинг, хусусан, хикоя жанрининг тугилиши учун асосий омиллардир. Инсондаги айтиш ва тинглаш эҳтиёжи мавжуд экан, хикоя ҳам яшайверади. Агар мана шу эҳтиёж бўлмаганида адабиётнинг ўзи ҳам ҳам бўлмас эди. Адабиётдан ҳам кенгрок, аввалрок, юксакрок мезонлар билан ёндашадиган бўлсак, хикоя жанрининг пайдо бўлиши, спецификаси, маънавий-маърифий, бадиий-психологик функцияси энг қадимги замонларга, хатто инсоният ҳаётининг ибтидосига бориб такалади. Шу маънода илк хикоя тушунчаси хронотопи (макон-замони) Одам ато замонидан ҳам олисроққа кетади. Хикоя жанри барча адабий жанрларнинг синкретик шакли сифатида лирика, драма ҳамда эпосга хос элементларни синтез қилиши билан бирга, юзаки караганда ноадабий, аммо мохият эътибори билан умуминсоний, демакки, адабий, фалсафий, илоҳий элементларга бой эканлиги ҳам юқоридаги фикримизни қувватлайди.

Жахон романи структурасига хос ошиқ-маъшуқа-ракиб учлиги, мухаббат, хижрон, висол мотивлари аро систематик муносабат бевосита илоҳий ибтидо режаси билан боғлиқ

бўлиб, бунинг бевосита ёзувдаги ифодаси “Забур”, “Таврот”, “Инжил”, “Куръони карим” сингари илохий китоблардан энергия олганидек, илк хикоянинг асосларини ҳам мана шундай хронотоп кенгликларидан излаш мақсадга мувофиқдир. Дарҳақиқат, илохий китобларда Яратган башарият орасидан танлаб юборган пайгамбарларига космик тизимдаги муайян воқеани юксак этика ва эстетик жihatдан баркамол шаклда (“Куръони карим”да иъжоз маконида), ибрат ўларок хикоя қилиб беради. Мана шу илохий ибрат негизида хикояга хос барча бадиий компонентлар, поэтик канонлар, умумэстетик концепциялар, ўтмиш ва келажакка доир илмлар мужассам эдики, табиатан “буюк таклидчи” (Ницше) бўлган инсон хикоянинг мукамал намунаси сифатида бу манбага таянмаслиги мумкин эмасди.

Кейинчалик, тақрибан ҳар бир илохий китоб ёки пайгамбар орасида ўтган, башарий жохилият ҳукм сурган мавсумларда “ҳақиқатдан хабар берувчи ёлгон” (Аристотель) – мифлар пайдо бўлди. Бизгача етиб келган оғзаки ва ёзма шаклдаги мифологик манбаларни кузатганимизда уларнинг таркибида бир учи илохийётга, бошқа учи хурофий тасаввурлар ва реал ҳаётнинг унсурларга боғланган хикояларга қайта-қайта дуч келамиз. Жўн материалистик дунёқараш ҳукмрон бўлган даврларда мифларни инсон бадиий тафаккури ва илохий китобларнинг илк шакли сифатида тушунтирилганини бугун кўпчилик яхши эслайди. Бирок ҳақиқатнинг ўлмаслиги шундаки, аклий тараккиётнинг юксак чўккиларини эгаллаган XXI одами ҳам бугун мифологик хикоялар асосида кодланган сирларни кашф этарок хайрат бармоғини тишлашдан бошқа чора топа олмаяпти. Машҳур мифшунос Ж.Ж.Фрээрнинг “Катта Аҳдда фольклор” (Джеймс Джорж Фрээр. Фольклор в Ветхом завете.-М., 1990) номли асарида қайд этилишича, жаҳон мифологиясида - илохий китоблар ҳақиқатини баён этган, замонавий фан реаллигини исботлаган - Нух (а.с.) тўғрисида доир юзлаб хикоялар мавжуд. Шу далилнинг ўзи ҳам ўтган аср марксчи ва ленинчиларининг миф ҳақидаги ўринсиз даъволарини йўққа чиқаради.

Шу тариқа, миф ва дин мотивлари таъсирида аввалига фольклор, кейинроқ эса ёзма адабиёт жанри сифатида шаклланган хикоя ўзининг профессионал ижодкорларига, хилма-хил мактабларига эга бўлди. Адабий-тарихий жараённинг турли даврларига хос эстетик талаб ва эҳтиёжларни ифода этувчи жаҳон хикояси энциклопедияси майдонга келди.

Гафур Гулом нашриёти томонидан мухтарам ўқувчига тухфа этилаётган “XX аср жаҳон хикояси” мана шундай улкан тарихий жараёнда бунёд бўлмиш улкан бадиият денгизидан бир томчи холос. Аммо бу шундай томчики, унда улкан бир уммон акси айнан она тилимизда намоён бўлади.

Билишимча, жаҳон хикояларини мавзу ва мундарижа, миллий адабиётлар, муаллифларнинг хилма-хиллиги жихатидан бир қадар кенгрок мужассам этган тўплам шу пайтгача бўлган эмас. Борлари ҳам ўзида замонаси руҳини муҳрлагани боис шундай тўпламларнинг ўтмишдаги бир босқичига айланди. Албатта, бу тўплам ҳам йиллар ўтиб кейинги нашрлар учун зинапоёга, маълум маънода ўтмишга айланади. Лекин бугун китобнинг тўпловчилари, ноширлари ва масъул муҳаррирлари имкон даражасида энг замонавий, бадиий жихатдан мукамалроқ хикояларни жамлашга уринганлари кўриниб турибди. Колаверса, бундай нашрларнинг муваффақияти ўзбек таржимачилиги, матбаачилиги, хатто бугунги бадиий тафаккурнинг даражаси, ютуқ ва камчиликлари билан бевосита боғлиқдир. Китобга кирган хикоялар, асосан, “Жаҳон адабиёти”, “Тафаккур”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” сингари вақтли матбуот нашрларидан

олинган. Шунингдек, китобда Вахоб Рўзматов, Низом Комилов, Учкун Назаров каби устоз таржимонлар асарларидан намуналар берилиши билан бирга, Алишер Отабоев сингари оригинал матн билан ишлашдек машаккатли меҳнатга бел болаган умидли ёшлар килган таржималарга ҳам дуч келамиз. Бу эса, ўз навбатида, XX аср ўзбек таржимачилиги хусусидаги тасаввурларимизни кенгайтиради ва муайн маънода муқояса имконини беради, келажакда қилинажак ишлар кўламига сезиларли таъсир этади. Хар бир хикоя бошида муаллифга оид қиска энциклопедик маълумот берилгани ҳам китобнинг илмий-адабий қимматини оширади.

Илло, китобга қирган барча таржималар ҳам ҳазрат Навоий ижод қилган туркий тил имкониятларини намоён этади, деган фикрдан йироқмиз. Таржималар орасида услуб, сўз қўллаш, поэтик тасвир воситалари, психологик талқин, товушлар мослиги ва умумструктур тизим жиҳатидан қайта ишлаш мумкин бўлган асарлар ҳам бор. Китобга қирган хикояларнинг барчаси ҳам катта адабиёт мезонларига дош бера олмайди. Хатто баъзи асарлар ўрнига ўзбекча таржимаси мавжуд бўлган бошқа, бадиий савияси юксакроқ асарларни қиритиш мумкин эди. Аммо бу ўринда тўпловчи ва ноширлар имкон қадар адабий жараён учун янги, шу билан бирга асар ёзилган – оригинал тилдан қилинган таржималарни жамлашни мақсад қилганлари сезилиб туради. Бундан ташқари ушбу китоб “XX аср жаҳон хикояси” рукнининг дебочаси ҳолос. Ўйлайманки, ўқувчининг ушбу рукн давомли бўлади, деган ишончига заҳа етмайди, бундай хайрли иш хали давом этади.

Шубҳасиз, китоб шу ҳолатида ҳам XX аср жаҳон халқлари бадиий тафакқури, ботиний олами, маънавий дунёси ва кечмишлари ҳақида маълум тасаввур беради. Хусусан, китобдан ўрин олган Сомерсет Моэм, Жек Лондон, Эрнест Хемингуэй, Уильям Фолкнер, Нодар Думбадзе, Рюноске Акутагава, Умар Сайфиддин, Михаил Шолохов, Николай Гумилёв, Херман Хессе хикоялари нафакат муайян давр ёхуд миллат, балки умумбашарият мулки ҳисобланади. Айнан шундай асарларда юқорида қайд этилган поэтик қўлам, умумбашарий камров, юксак ахлоққа доир муаммолар акс этади ва айнан шу каби асарлар ҳудудсиз макон ва замон кенгликларида XX аср жаҳон адабиёти қиёфасига муносиб қизғи бўла олади. Айнан шу каби асарлар буюкликда соддаликни, ўтмишда келажакни, келажакда кечмишни, нафратда муҳаббатни, ўлимда ҳаётни, изтиробда лаззатни ифода этади.

Балиқнинг ягона орзуси уммон бўлганидек, ҳақиқий китобхон бир умр асл адабиётга нисбатан бемисл ташналиқни ҳис этиб, катта адабиётга интилиб яшайди. Тилагим, XXI аср ўзбек ўқувчисининг катта адабиёт сари қўйган қадами қутлуг бўлсин...

Узок ЖЎРАКУЛОВ,  
филология фанлари номзоди,  
ЎзМУ доценти  
(04.08.2009)